

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**БУХОРО МУХАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**БОЗОРОВ ҒАЙРАТ РАШИДОВИЧ**

**МАҲАЛЛИЙ ГИЛ МИНЕРАЛЛАР ВА УЛАРНИНГ  
КОМПОЗИЦИЯЛАРИ АСОСИДА ПОЛИФУНКЦИОНАЛ БУРҒИЛАШ  
ЭРИТМАЛАРИНИ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**  
**Content of the dissertation abstract of doctor of science (DSc)**

**Бозоров Ғайрат Рашидович**

Маҳаллий гил минераллар ва уларнинг композициялари асосида полифункционал бургилаш эритмаларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш ..... 3

**Базаров Ғайрат Рашидович**

Разработка технологии получения полифункциональных буровых растворов на основе местных глинистых минералов и их композиций..... 29

**Bazarov Gayrat Rashidovich**

Development of technology for producing polyfunctional drilling fluids based on local clay minerals and their compositions ..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 59

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**БУХОРО МУХАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**БОЗОРОВ ҒАЙРАТ РАШИДОВИЧ**

**МАҲАЛЛИЙ ГИЛ МИНЕРАЛЛАР ВА УЛАРНИНГ  
КОМПОЗИЦИЯЛАРИ АСОСИДА ПОЛИФУНКЦИОНАЛ БУРҒИЛАШ  
ЭРИТМАЛАРИНИ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.DSc/T138** рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация ити Бухоро муҳандислик технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида [www.iopx.uz](http://www.iopx.uz) ва «Ziyouet» ахборот таълим порталида ([www.ziyouet.uz](http://www.ziyouet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий маслаҳатчи:</b>	<b>Абдурахимов Саидақбар Абдурахмонович</b> техника фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Эргашев Ойбек Каримович</b> кимё фанлари доктори
	<b>Алиев Баҳодир Абдуганиевич</b> техника фанлари доктори
	<b>Эржабаев Фуркат Ильясович</b> техника фанлари доктори
<b>Ётақчи ташкилот:</b>	<b>Ўзбекистон миллий университети</b>

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти хузуридаги DSc 02/30.12.2019.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг «06» ноябрь 2020 йил соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Топкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90, e-mail: [iopx@iopx@mail.ru](mailto:iopx@iopx@mail.ru)).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида таништиш мумкин ( 17-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил 100170, Топкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел: (+99871) 262-56-60), факс (+99871) 262-79-90)

Диссертация автореферати 2020 йил « 26» октябрь куни тарқатилди.  
(2020 йил «26» октябрдаги № 17 - рақамли реестр баённомаси).



**Б.С. Закиров**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, к. ф. д., проф.

**Д.С. Салиханова**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби, т. ф. д., проф.

**Ш.С. Намозов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қотидаги илмий  
семинар раиси ўринбосари,  
т. ф. д., проф., академик

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда нефт-газ қудуқларини самарали бурғиlash асосан бурғиlash эритмаларининг таркиби ва хоссаларига боғлиқ, ўз навбатида улар бурғиlashнинг юқори тезлиги ва маҳсулдор қатламини сифатли очиш ишларида хавфсизлик ва авария бўлмаслигини таъминлаши зарур. Бошқариладиган хоссаларига эга бурғиlash эритмаларидан фойдаланиш, авариялар, қийинчиликлар, ювиш тозалаш, давомийлиги билан боғлиқ бўлган вақт сарфини иқтисод қилиш мақсадида ва ўзлаштириш натижалари учун асосланган равишда катта сарфларни талаб қилади. Бунинг учун инновацион технологиялар асосида маҳаллий гил минераллар ва уларнинг композицияларидан физик-кимёвий, коллоид-кимёвий ва полифункционал хоссалари талабларга жавоб берадиган барқарор бурғиlash эритмалари ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги вақтда дунёда рақобат ва амалиётга полифункционал бурғиlash эритмаларини жадаллик билан тадбиқ қилиниши жиҳатидан ишлаб чиқариш бўйича куйидаги илмий ечимларни асослаш: яхшиланган суспензия ҳосил қилувчи хоссали гил композициялари ишлаб чиқариш ва қўллаш, янги кимёвий реагентлар (СФМ ва бошқалар), бурғиlash эритмаларини олишда гилли адсорбентларни мойлаш усулидан фойдаланиш, пахта соапстоки ёғ кислоталари асосида СФМ ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш; тоғ жинсларини ёрувчи асбоб-ускуналарнинг чидамлилиги, иссиқликка ва тузга чидамли полифункционал бурғиlash эритмалари, юқори самарали механик-кимёвий диспергаторларни (МКД) ишлаб чиқиш ва қўллаш зарур.

Ўзбекистонда маҳаллий хом-ашё ресурслар асосида бурғиlash эритмалари сифатини ошириш, улардан минерал ва тузли мураккаб қатламларга эга қудуқларни бурғиlashда фойдаланиш бўйича муайян илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегиясининг учинчи йўналишида «юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом-ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш»<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, маҳаллий гиллар, СФМ ва диспергаторлардан фойдаланиб бурғиlash жараёнини интенсификациялаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги, 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5646-сонли «Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда 2017 йил 30 июндаги ПҚ-3107-сон

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947 «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги фармони.

«Нефт-газ соҳасининг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, шунингдек мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технология ва нанотехнология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича чет эл илмий тадқиқотларнинг таҳлили<sup>3</sup>. Нефт-газ қудуқларини бурғилашда ишлатиш учун янги полимер ва композицион кимёвий реагентларни яратиш ва уларнинг асосида барқарор бурғилаш эритмаларни олишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Texas A&M University (АҚШ), SAIT (Канада), Robert Gordon University (Буюк Британия), Heriot-Wait University (БАА), China University of Petroleum (Хитой), Kind Fahd University of Petroleum and Minerals (Саудия Арабистони), Avstralian Curtin University of Technology (Австралия), Norway University of Science a Technology (Норвегия), Chemical Engineering University of Baghdad (Ироқ), National University of Technics (Бразилия), University of Tehran (Эрон), И.М.Губкин номидаги Россия нефт ва газ институти (Россия Федерацияси), Қозоқ нефт ва газ институти (Қозоғистон) ва Умумий ва ноорганик кимё институти Ўз ФА ва Тошкент кимё-технология институти (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Дунёда, гил минераллари ва улар асосида самарали бурғилаш эритмаларни ишлаб чиқаришга оид олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: бурғилаш эритмаларини тайёрлашда компонентларни сифатли аралаштириш ва бурғилаш эритмасининг дисперслигини яхшилаш учун гидравлик аралаштиргич ишлаб чиқилган (Baroid Industrial Drilling Product компанияси, АҚШ), бурғилаш эритмаларнинг мойлаш хоссаларини яхшилаш, уларни мойловчи қўшимчалар СФМ сифатида қўллаш учун махсус Т-66 ва Т-80 реагентлар ишлаб чиқилган (Уфа нефт институти, Россия), бурғилаш жараёни ва қудуқларни тугаллаш учун махсус поликлиглолли бурғилаш эритмалари ишлаб чиқилган (Norway University of Science a Technology, Норвегия), бурғилаш эритмаларининг сифатини яхшилаш учун ДМП-310, ДМП-330, ДМП-410 ишлаб чиқилган полимер реагентлари асосида бурғилаш эритмаларида фильтрация кўрсаткичининг кескин пасайишига олиб келадиган технология яратилган («SANYO CHEMICAL» фирмаси, Япония).

Дунёда гил минераллари ва маҳаллий чиқиндилар асосида самарали бурғилаш эритмаларни олиш бўйича бир қатор устувор йўналишлар бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: механик-кимёвий диспергатордан фойдаланиб маҳаллий хом-

<sup>3</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <https://www.crunchbase.com>; [www.scpod.com](http://www.scpod.com); [www.special-products.com](http://www.special-products.com); [www.stratacontrol.com](http://www.stratacontrol.com); [www.sundrilling.com](http://www.sundrilling.com); [www.sulfatreat.com](http://www.sulfatreat.com) ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

ашё асосида кимёвий реагентлар ва уларнинг композицияларини олиш, янги полифункционал бурғилаш эритмаларни яратиш; маҳаллий гилларни танлаш ва бурғилаш эритмаларининг кўрсаткичларига уларнинг таъсир қонуниятларини аниқлашга имкон берувчи кимёвий таркиби, асосий физик-кимёвий ва коллоид хоссаларини тадқиқ қилиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Илмий-техникавий адабиётларда бурғилаш эритмаларини тайёрлаш учун гилли кукунлар, бентонитлар, палигорскитлар ва кимёвий реагентларни олиш бўйича тадқиқот ишлари кенг ёритилган. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, бурғилаш эритмаларнинг асоси сифатида бентонитли гилларнинг структураси ва хоссаларини ўрганишга мамлакатимиз ва хорижлик олимларнинг кўпгина тадқиқот ишлари бағишланган. Жумладан, хорижлик олимлар I.P.Weichert, H.W.Percins, K.F.Gray, A.G.Heggem, J.A.Pollard, B.И.Рябченко, Н.Н.Круглицкий, Э.Г.Агабалянц, Б.С.Филатов, В.Д.Городнов, К.Ф.Паус, А.И.Булатов, Я.А.Рязанов, Е.Я.Пондосова, Э.Г.Кистэр, З.А.Литяева, Л.И.Орлов, В.Х. Паронян, Р.Т. Гринь, А.П. Шмидт, Г.М. Сергеев, Б.А. Андресон, С.Н. Бастриков, Е. Беленко, Л.П. Вахрушев, Р.Н. Загидуллин, Н.Г. Кашкаров, Г.В. Конесев, В.Н. Кошелев, О.А. Лушпеева, В.С. Любимов, Ю.Н. Мойса, Т.А. Мотылева, Р.А. Мулюков, А.И. Острягин, Е.Ф.Эпштейн ва бошқалар гилли кукунларнинг минералогик ва кимёвий таркиби, ҳамда хусусиятларини ўрганиш билан шуғулланганлар.

Ўзбекистон олимлари К.С.Ахмедов, Э.А.Орипов, М.З.Закиров, С.С.Ҳамраев, А.А.Агзамходжаев, Б.Н.Ҳамидов, А.К.Рахимов, У.К.Ахмедов, Н.Ёдгоров, С.А.Абдурахимов, И.Д.Эшметов ва бошқалар гилли бурғилаш эритмалари учун асос сифатида маҳаллий бентонитлар ва палигорскитлардан, ҳамда механик-кимёвий диспергаторлардан фойдаланиш муаммосини ҳал қилишда ўзининг тадқиқотлари билан катта ҳисса қўшганлар.

Адабиётларда, полиминерал гилларни механик-кимёвий диспергирлаш жараёни ва ундан олинadиган бурғилаш эритмаларнинг технологик кўрсаткичларига таъсири ҳақида маълумотлар мавжуд. Лекин, бурғилаш эритмалари учун гилли кукунларни ишлаб чиқаришда турли конлардан олинган бентонит ва палигорскитлардан фойдаланиш самарадорлиги, таркибининг доимий эмаслиги ва ишлатилган хом-ашёнинг кўрсаткичларига боғлиқ ҳолда, бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Полифункционал бурғилаш эритмаларни олишга уларни яроқли эканлигини аниқлаш учун уларнинг минералогик ва кимёвий таркиби, ҳамда физик-кимёвий хоссалари махсус тадқиқ қилиниши зарур. Қайд этиш лозимки, Ўзбекистонда, бентонитли, палигорскитли ва гидрослюдали гилларнинг кагга захиралари мавжуд бўлиб, уларнинг таркиби ва физик-кимёвий хоссалари яхши ўрганилмаган, ҳамда иссиқликка ва тузга чидамли бурғилаш эритмаларни олиш учун илмий асосланган технология ва рецептуралар йўқлиги сабабли улардан хом-ашё сифатида фойдаланилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро муҳандислик-технология институтининг ИТД-12-сонли «Органик, ноорганик, полимер ва бошқа табиий материалларни олишнинг янги технологиялари» (2017-2018 йиллар) ҳамда ИТД-13 «Ёқилғи-минерал-хом-ашёвий ресурсларни излаш, разведка қилиш, баҳолаш, қазиб олиш ва комплекс қайта ишлаш самарали усулларини ишлаб чиқиш, тоғ-кон-саноати комплекси чиқиндиларидан фойдаланиш ва утилизация қилиш» (2017-2018 йиллар) номли амалий лойиҳалар илмий-тадқиқот ишлар режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** маҳаллий гил минераллар ва уларнинг композициялари асосида механик-кимёвий диспергаторни қўллаб, полифункционал бурғилаш эритмаларни олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

маҳаллий гилларни танлаш ва бурғилаш эритмаларининг кўрсаткичларига уларнинг таъсир қонуниятларини аниқлашга имкон берувчи кимёвий таркиби, асосий физик-кимёвий ва коллоид хоссаларини тадқиқ қилиш;

полифункционал бурғилаш эритмаларини олиш учун маҳаллий гиллардан композицияларни олиш ва ўрганиш;

пахта соапстоки ёғ кислоталари асосида СФМ ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш;

бурғилаш эритмаларини олишда гилли адсорбентларни мойлаш усулидан фойдаланиш;

механик-кимёвий диспергатордан фойдаланиб, маҳаллий гилли минераллар ва уларнинг композициялари асосида полифункционал бурғилаш эритмаларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва «Ўзбекнефтегаз» АЖ корхоналарида саноат-тажриба синовини ўтказиш.

**Тадқиқотнинг объекти** маҳаллий гилли минераллар ва уларнинг композициялари, пахта соапстокининг ёғ кислоталари ва соапстокни нейтраллаш усули билан олинган ишқорий тузлари, механик-кимёвий диспергатордан фойдаланиб турли маҳаллий гилли минераллар ва уларнинг композицияларидан олинган бурғилаш эритмалари, пахта соапстоки ёғ кислоталарини совунлаш орқали олинган СФМдан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг предмети** синтез қилинган СФМ ва механик-кимёвий диспергаторни қўллаб, маҳаллий минерал гиллар ва уларнинг композициялари асосида ишлаб чиқилган полифункционал бурғилаш эритмаларини физик-кимёвий, технологик ва коллоид-кимёвий кўрсаткичларининг ўзгариш қонуниятларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертацияни бажаришда рентгенография, микроскопия, дифференциал термик анализ усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

иссиқликка ва тузга чидамли, ҳамда мойланиш ва тиксотроп хусусиятларини таъминлай оладиган полифункционал бурғилаш



эритмаларини олишда маҳаллий гилли минераллардан фойдаланиш имконияти аниқланган;

маҳаллий гил минераллар табиати (бентонит, палигорскит, гидрослюда ва бошқ.) олинадиган полифункционал бурғилаш эритмаларнинг физик-кимёвий, технологик ва коллоид-кимёвий хоссаларига таъсири аниқланган;

яратилган маҳаллий минераллардан композициялар ва улар асосида олинадиган бурғилаш эритмаларида синергизм эффектлари аниқланган;

илк бор, олинадиган бурғилаш эритмалари турғунлигини оширадиган, пахта соапстоки ёғ кислоталари асосидаги ишқорий СФМ синтез қилинган;

узлуксиз ишловчи механик-кимёвий диспергатордан фойдаланган ҳолда полифункционал бурғилаш эритмаларидаги гил минералларнинг дисперслиги ошиши исботланган;

бурғилашнинг мураккаб геологик-техник шароитларида физик-кимёвий, технологик ва коллоид-хоссаларини сақлаш хусусиятига эга маҳаллий гил минераллар композициялари, пахта соапстоки ёғ кислоталаридан олинган ионоген СФМ ва механик-кимёвий диспергатордан фойдаланиш асосида полифункционал эритмалар олишнинг илмий-технологик принциплари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари куйндагилардан иборат:**

суспензияларни барқарорлаштирувчи ва коллоид-кимёвий хоссаларини оширувчи, пахта соапстоки ёғ кислоталар тури ва таркиби бўйича тизимли танлаш усули ёрдамида, полифункционал бурғилаш эритмаларини олиш учун маҳаллий гил минераллар композициялари яратилган;

синтез қилинган ионоген СФМ ва маҳаллий гил минераллар композицияларнинг тури ва таркибига боғлиқ ҳолда олинган полифункционал эритмалари физик-кимёвий, технологик ва коллоид-кимёвий кўрсаткичлари ўзгаришининг асосий қонуниятлари аниқланган;

бурғилаш эритмаларида полифункционал хоссаларни намоён қиладиган, яхши тиксотроп хусусиятига ва синергетик эффектга эга бўлган маҳаллий гил минералларидан композициялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Фойдаланилган кимёвий (аналитик кимё) ва физик-кимёвий (калориметрик, рентгенфазали, ИК-спектр, визуал-политермик) таҳлил натижалари, тажриба-лаборатория қурилмаларида ва саноат-тажриба синовларидан ўтганлиги билан тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, маҳаллий гил минераллар таркиби ва табиатининг таъсир қилиш қонуниятини аниқлаш орқали, ўз таркибида Ленгмюрнинг мономолекуляр адсорбция назариясига хос кимёвий ингредиенти бўлган, яъни, эриган модда адсорбентнинг бутун юзасида эмас, балки фақат унинг фаол марказларида адсорбцияланадиган, бурғилаш эритмалари ва уларнинг композицияларини ишлаб чиқишнинг коллоид-кимёвий ва технологик асоси бўлади.

Тадқиқотларнинг амалий аҳамияти шундаки, кудукларни бурғилашда барқарорлигини оширувчи, маҳаллий гил минераллар, ва пахта соапстоки ёғ

кислоталари асосидаги ионоген СФМдан яратилган композициялардан фойдаланганлиги билан изоҳланади. Таклиф этилаётган СФМнинг суспензияда яхши эрувчанлиги, юқори гидрофоблиги ва мойлаш эффекти сабабли, фильтрация коэффициенти ва қудуқ девори қобиқ қалинлиги камаяди. Атроф муҳитнинг экологик хавфсизлиги ва ажратилган жинсларнинг қопланиш сифати ортиши, ҳамда бурғилаш жараёни механик тезлигининг 15-20% ошиши ва нефт - газ маҳсулдор қатламларнинг очилиши 30-40% ошишига хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Маҳаллий гил минераллар ва уларнинг композициялари асосида полифункционал бурғилаш эритмаларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар:

ишлатилган мойли гиллар асосида полифункционал бурғилаш эритмаларини олиш технологияси «Қашқадарё пармалаш ишлари» АЖ да амалиётга жорий этилган («Ўзбекнефтегаз» АК нинг 2020 йил 26 августдаги 04-24-08-сон маълумотномаси). Натижада, бу импорт ўрнини босиш ва таннархи 1,2-1,5 баробарга камайтирилиб, маҳаллий бурғилаш эритмаларини ишлаб чиқариш имкониятини берган;

механик-кимёвий диспергатордан бурғилаш эритмаларини олишнинг янги комбинацияланган усули «Олот НГҚЭ» МЧЖ да амалиётга жорий этилган («Ўзбекнефтегаз» АК нинг 2020 йил 26 августдаги 04-24-08-сон маълумотномаси). Натижада, юқори ҳароратларга ва тузли агрессияларга чидамли бўлган юқори-диспергирланган бурғилаш эритмаларини олиш имконияти пайдо бўлган;

механик-кимёвий диспергатордан фойдаланиб полиминерал композициялардан иссиқликка ва тузга чидамли бурғилаш эритмаларини олишнинг янги усули «Олот НГҚЭ» МЧЖ да амалиётга жорий этилган («Ўзбекнефтегаз» АК нинг 2020 йил 26 августдаги 04-24-08-сон маълумотномаси). Натижада, яратилган композициялар асосида ишлаб чиқилган бурғилаш эритмаларнинг юқори ҳарорат (160-180°C)да ва тузли агрессияда асосий кўрсаткичларини барқарорлаштириш имкониятини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 14 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 35 та илмий иш нашр этилган, шундан 1та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олтига боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 191 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Полифункционал бурғилаш эритмаларини олиш технологиясининг ҳозирги ҳолати” (адабиётлар таҳлили) деб номланган биринчи бобида нефт-газ саноати қудуқларининг бурғилаш эритмаларига қўйилган талаблар ва уларнинг ривожлантириш истиқболлари, бурғилаш эритмаларида фойдаланиладиган табиий гилларнинг турлари, полифункционал бурғилаш эритмаларини олиш учун гилли кукунларнинг композициялари, бурғилаш эритмаларида фойдаланиладиган СФМлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Мазкур муаммоларнинг танқидий таҳлили асосида диссертация тадқиқотининг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг “Тажрибалар ўтказиш техникаси ва хом-ашё ва олинадиган бурғилаш эритмаларининг таҳлил қилиш усуллари” деб номланган иккинчи боби, бурғилаш эритмаларини олишда ишлатиладиган асосий реагентлар, хом-ашё ва олинадиган бурғилаш эритмаларининг таҳлил қилиш усуллари, маҳаллий гиллар, уларнинг кимёвий таркиби ва коллоид-кимёвий хоссалари, ҳамда маҳаллий хом-ашёвий ресурслардан олинган гилли бурғилаш эритмаларига бағишланган.

Маълумки, бентонитларнинг таркибида, 70% дан кўп юқори-дисперсли қатламли алюмосиликат бўлган монтмориллонит мавжуд бўлиб, кристалл-кимёвий тузилишига кўра унинг юзасида ион-алмашинувчи катионлар мавжуд ва улар монтмориллонитнинг минерал сифатида кимёвий ва физикавий хоссаларини белгилаб беради. Монтмориллонитнинг қатламлараро алмашинувчи катионлари ўрнини босувчи ортикча манфий заряд бентонитларнинг юқори гидрофиллигини таъминлайди. Бентонитларни сув билан бўктирилганда у монтмориллонитнинг қатламлараро бўшлиғига кириб боради, уни гидратлайди ва бўкишини келтириб чиқаради. Сув билан янада суюлтирилганда бентонитлар, кучли тиксотропли хоссаларга эга, барқарор қайишқоқ суспензияни шакллантирадилар. Қудуқларни бурғилаш учун бурғилаш эритмаларини тайёрлашда мазкур бентонитлар яхши қайишқоқ гель-шакллантирувчилар ва филтрлашни камайтирувчилари ҳисобланади.

Навбахор конининг ўзига хослиги шундаки, бу ерда турли минералогик таркибли 3 хил гил қазиб олинади: ишқорий бентонит, ишқорий-ер бентонит ва карбонатли палигорскит. Шўрсу конидан фақат гидрослюдали гиллар қазиб олинади (1-жадвал).

**НК бентонитлари ва палигорскити, ШК гидрослюдали гиллари таркибидаги  
кимёвий бирикмаларнинг миқдори**

Бирикма формуласи	Бирикмалар миқдори, % абс. қуруқ моддага ҳисоби			
	НК* бентонитлар		НК карбонатли палигорскит	ШК** Гидрослюдали гил
	ишқорий	ишқорий-ер		
SiO <sub>2</sub>	57,91	51,23	46,79	58,75
TiO <sub>2</sub>	0,35	0,61	-	0,91
Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	13,69	13,56	8,63	18,09
Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	% 10	6,50	-	-
MgO	1,84	3,76	2,74	5,70
CaO	0,48	5,69	10,08	2,97
Na <sub>2</sub> O	1,53	0,98	-	0,39
K <sub>2</sub> O	1,75	2,20	1,6	2,05
P <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	0,43	0,92	1,99	0,52
SO <sub>3</sub>	0,75	0,49	-	0,05
Fe <sub>2</sub> O	-	-	3,41	8,95
П.П.П.	16,17	14,06	24,33	15,72
<b>Иювгвди</b>	<b>99,98</b>	<b>99,95</b>	<b>99,75</b>	<b>99,83</b>

Изоҳ: \*НК-Навбаҳор кони; \*\*ШК-Шўрсу кони.

1-жадвалдан кўриниб турибдики, ишқорий ва ишқорий-ер бентонитлар ўзаро асосан TiO<sub>2</sub>, MgO, Na<sub>2</sub>O, K<sub>2</sub>O<sub>2</sub> ва бошқа бирикмаларнинг миқдори билан фарқ қилади. Кимёвий таркиби бўйича кескин фарқланишлар бентонитлар ва карбонатли палигорскит ўртасида кузатилган бўлиб, палигорскитда Al<sub>2</sub>O<sub>3</sub>, SiO<sub>2</sub>, MgO – кам, CaO – кўпроқ учрайди.

Са-гиллар, Na-гилларга қараганда, сувни яхши боғлайди, чунки боғланиш энергияси юқори, яъни намланиш иссиқлиги бўйича нисбатан гидрофилдир. Аммо, улар, Na-гиллар каби катта қалинликда диффузион иккиталик қатламларни шакллантирмайди, ва шу сабабли заррачалар пептизациясини аниқламайди ҳамда сувнинг ингичка қатламлари орқали компакт коагуляцияни беради.

Навбаҳор кони карбонатли палигорскитда, шу кондан олинган ишқорий ва ишқорий-ер бентонитлар билан солиштирилганда, йирикроқ фракцияларни кўпроқ сақлайди (2-жадвал).

**НК ишқорий, ишқорий-ер бентонитлар ва карбонатли палигорскити  
ҳамда ШК гидрослюдали гилнинг дисперсли таркиби ва солиштира юзаси**

Гил номланиши	Фракциялар миқдори, %			Солиш- тира юзаси 10 <sup>3</sup> м <sup>2</sup> /кг
	0,01 мм дан кам	0,1 мм дан кам	1,0 мм дан кам	
Навбаҳор кони ишқорий бентонити (НК ИБ)	80,2	18,9	0,9	310
Навбаҳор кони ишқорий-ер бентонити (НК ИЕБ)	81,6	17,7	0,7	290
Навбаҳор кони карбонатли палигорскит (НК КП)	76,5	21,4	2,1	230
Шўрсу кони гидрослюдали гил (ШК ГТ)	82,7	16,2	1,1	240

Бу ҳолатда, гилдаги барча юза сув билан ўзаро таъсирлашади, лекин бу таъсирлашиш натижасида заррачалар ажралиб чиқмайди ва шу билан бирга, Na-гилларда кузатиладиган, уларнинг умумий ҳажмдаги миқдори ҳам ошмайди. Охириги ҳолатда контактли жойлардаги қисман боғланишлар нисбатан кучсиз, лекин уларнинг сони ва контактлар анча кўп бўлган. Катсион алмашинув комплексининг натрий ионларига тўлиқ алмашинувчи чегарасида диффузион кучлар шу даражада ривожланганки, суюлтирилган суспензияда заррачалар пептизацияси ва уларнинг барқарорлашуви тўлиқ бўлади.

Сабанин-Робинзон усули бўйича седиментацион таҳлил натижаларига кўра, ўзининг гранулометриқ таркибига кўра Навбаҳор конининг барча гиллари юпка-дисперсли хом-ашёга тааллуқли бўлади. Шу билан бирга, иккала бентонитда майда фракцияларнинг сони палигорскитдан кўпроқ бўлади.

2-жадвалдан кўриниб турибдики, энг катта солиштирма юза ишқорий бентонитда кузатилган ( $310 \cdot 10^3 \text{ м}^2/\text{кг}$ ), ва аксинча, энг кичик солиштирма юза карбонатли палигорскитда ( $230 \cdot 10^3 \text{ м}^2/\text{кг}$ ) мавжуд.

3-жадвалда намлантириш иссиқлиги ва боғланган сувларнинг миқдорини тадқиқ қилиш натижалари келтирилган.

3-жадвал

Навбаҳор ва Шўрсу кони гилларидаги намланиш иссиқлиги ва боғланган сув миқдорининг кўрсаткичлари

Гил номланиши	Намланиш иссиқлиги (Q), кал/г	Боғланган сув миқдори (A), %
Ишқорий бентонит	28,5	37,05
Ишқорий-ср бентонит	25,8	33,54
Карбонатли палигорскит	19,5	25,35

3-жадвалдан кўриниб турибдики, гил намланиши иссиқлигининг кўрсаткичи ошиши билан ундаги боғланган сувнинг миқдори ҳам ошади. Намланиш иссиқлиги ва боғланган сув миқдорининг нисбатан катта кўрсаткичи ишқорий бентонитда, ва аксинча, энг кичик кўрсаткич, боғланган сув зичлиги  $\rho=1,3 \text{ г/см}^3$  бўлганида, карбонатли палигорскитда кузатилади.

Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, мазкур гиллардан, олинадиган бурғилаш эритмаларининг вазифаларидан келиб чиқиб, уларнинг турли композицияларини тузиш мумкин. Шу билан бирга, қайд этиш лозимки, олинадиган композициялар гилли бурғилаш эритмаларининг асоси бўлиб хизмат қилади ва уларга кимёвий реагентлар билан ишлов бериш бурғилаш эритмаларининг сифат кўрсаткичларини барқарорлаштириш имконини беради.

Диссертациянинг “Бурғилаш эритмалари учун совунсимон юза-фаол моддаларни олиш” деб номланган учинчи боби, пахта соапстоки ёғ кислоталари (ПС ЁК) асосида СФМ олиш, синтезланган СФМ дан фойдаланиб олинган гилли бурғилаш эритмаларининг коллоид-кимёвий хоссаларини ўрганиш, ишлаб чиқилган СФМдан фойдаланиб, олинган бурғилаш эритмалари кўрсаткичларининг таҳлиliga бағишланган.

Бурғилаш эритмалари учун совунсимон СФМ олиш учун пахта соапстоки ёғ кислоталарининг турли фракцияларидан фойдаланиш мумкин. Шу сабабли, биз 1 расмда келтирилган схема бўйича пахта соапстокини қайта ишлашни таклиф этмоқдамиз.



1 расм. Пахта соапстоки асосида қаттиқ ва суюқ СФМ олиш блок-схемаси

1-расмдан кўриниб турибдики, мазкур технология ёрдамида, асосан ёғ кислоталарининг натрий тузларидан иборат бўлган, суюқ ва қаттиқ ионоген совунсимон СФМ олиш мумкин.

Пахта соапстоки ёғ кислоталари сирт фаол хоссаларни намоён қилишига қарамадан, гилли бурғилаш эритмаларини самарали барқарорлаштириш учун улар етарли эмас.

Шу сабабли, пахта соапстоки ёғ кислоталарининг алоҳида фракциялари асосида самарали СФМ синтезининг рационал усулларини излаб топиш лозимдир. Шу билан бирга, тўйинган ёғ кислоталари қаттиқ фракциялари асосида СФМ олиш нисбатан самаралироқдир, чунки анъанавий технологиядаги нисбатан қимматга тушадиган тўйинмаган ёғ кислоталар гидрогенизацияси ва катализатордан чиққан маҳсулотларни тозалаш босқичларидан мустаснодир.

Пахта соапстоки ёғ кислоталарига тўйинган (қаттиқ) фракциясининг ташқи кўриниши 20°C да бу қаттиқ бир жинсли оч-сарик ёки сарик рангдаги маҳсулотдир. Ўзига хос кучсиз специфик хидга эга. Эриш ҳарорати 45-52°C. Кислоталик сони 198-215 мг КОН/г оралиғида ўзгариб туради. Совунланмайдиган моддаларнинг улуши, ёғ кислоталарнинг умумий массасига нисбатан, 2,5-3,5 % атрофида бўлади.

Пахта соапстоки ёғ кислоталари тўйинмаган (суюқ) фракциясининг ташқи кўриниши 20°C да бу мойсимон оч-сарик ва сарик рангдаги модда. Ўзига хос кучсиз хидга эга. Эриш ҳарорати 15-25°C. Кислоталик сони 200-210 мг КОН/г оралиғида ўзгариб туради. Совунланмайдиган моддаларнинг улуши, ёғ кислоталарнинг умумий массасига нисбатан, 1,7-3,3 % атрофида бўлади.

Амалиётда, кислоталарни нейтраллаш учун ишқорий агент сифатида кўпинча NaOHдан фойдаланишади, натижада ёғ кислоталарнинг натрийли тузлари, яъни анионфаол СФМ шаклланади. Бу қуйдаги реакция асосида амалга ошади:



бу ерда:  $R_i$  – ёғ кислотасининг углеводороди радикали.

СФМнинг кальцийли тузларини олишда ишқорий агент сифатида кальций гидроксиди ҳам ишлатилади.

Кислоталар фракцияси тузларини олишда биз белгиланган асослардан фойдаландик. Сувли эритмалар кўринишида олинган СФМнинг сифат кўрсаткичлари, ҳамда,  $(\text{Na}_2\text{SO}_3 + \text{NaOH})$  ва  $(\text{Na}_2\text{SiO}_3 + \text{NaOH})$  ишқорий аралашмалар мавжуд шароитда, ёғ кислоталар алоҳида фракцияларидан синтезланган СФМ коллоид-кимёвий хоссаларининг таҳлил натижалари 4 жадвалда келтирилган.

Биз, 90-95°C ҳароратда 40 соат давомида, аралаштиргичда дақиқасига 150 марта айлантиришда, пахта соапстоки ёғ кислоталари қаттиқ ва суёқ фракциялари асосида СФМ синтезини амалга оширдик. Бунда, ёғ кислоталар ва ишқорий агентларнинг нисбати, бошланғич аралашмада 50% сув бўлган шароитда, 1:1 нисбатда ушлаб турилди.

4 жадвал

Ёғ кислоталарнинг тўйинган (қаттиқ) ва тўйинмаган (суёқ) фракциялари асосида олинган СФМнинг коллоид-кимёвий хоссалари

СФМ номланиши	Эмульсияланиш қобилияти, %	Кўпик ҳосил қилиш қобилияти, мм	Ювиш қобилияти (1%-ли сувли эритма), %
<b>NaOH и Ca(OH)<sub>2</sub> қўллаш билан</b>			
Na – СФМ, ҚФ ЁК	94	310	110
Na – СФМ, СФ ЁК	96	350	180
Ca – СФМ, ҚФ ЁК	70	260	100
Ca – СФМ, СФ ЁК	65	290	80
<b>Эритмаларни қўллаган ҳолда (<math>\text{Na}_2\text{SO}_3 + \text{NaOH}</math>), (1:1)</b>			
$\text{Na}_2\text{SO}_3\text{Na}$ – СФМ, ҚФ ЁК	99	240	190
$\text{Na}_2\text{SO}_3\text{Na}$ – СФМ, СФ ЁК	97	260	210
<b>Эритмаларни қўллаган ҳолда (<math>\text{Na}_2\text{SiO}_3 + \text{NaOH}</math>), (1:1)</b>			
$\text{Na}_2\text{SiO}_3\text{Na}$ – СФМ, ҚФ ЁК	80	220	200
$\text{Na}_2\text{SiO}_3\text{Na}$ – СФМ, СФ ЁК	76	280	230

4-жадвалдан кўришиб турибдики, ишлатилган тўйинган ва тўйинмаган ёғ кислоталар фракциялари, ҳамда ишқорий реагентларнинг (натрий ва кальций) нисбатига боғлиқ ҳолда синтезланган СФМ турли коллоид-кимёвий хоссаларга эга ва буни ҳар хил турдаги бурғилан эритмаларини олишда инобатга олиш лозимдир. Ишқорий реагентлар аралашмасидан фойдаланиш олинанидан СФМнинг баъзи коллоид-кимёвий хоссаларини бошқариш (кучайтириш) имконини беради. Бу маҳсулотларнинг молекулалари, барча СФМ каби, дифил бўлиб, гидрофоб ва гидрофил қисмлардан иборат. Шу билан бирга, уларнинг молекулаларига янги поляр гуруҳларнинг киритилиши

коллоид-кимёвий хоссаларини яхшилайти, айниқса, оддий совунлар билан солиштирилганда, уларнинг ювувчанлик хоссаси нисбатан ошади.

Маълумки, СФМ бурғилаш қурилмасининг айланиш элементларини (бургу ва бошқалар) мойлаш хоссасига эга, ва шу орқали хизмат муддати ва мустаҳкамлигини узайтиради.

5-жадвалда, ишлатиладиган гидрофобизаторнинг табиати бўйича фарқланувчи, ёғ кислоталарини нейтраллаш даражаси S қиймати бўйича тенг бўлган, мойлаш бирикмалари учун U гидрофоблик ўзаро таъсир этиш энергияси қийматини ҳисоблаш натижалари келтирилган.

5 жадвал

Гилли бурғилаш эритмасида турли гидробизаторлар ишлатилган мойловчи қўшимчаларнинг самарадорлик кўрсаткичлари (умумий массанинг 7%, бентонитли гил кукунларининг суспензияси)

Мойловчи қўшимчалар	S	Совунинг МКК, %	U, Дж	$k_{\text{тр}}$	ЭСД, МПа <sup>-1</sup>
ТП	0,35	0,080	$96,75 \cdot 10^{-18}$	0,042	0,0082
ТП+ГКС	0,35	0,064	$97,90 \cdot 10^{-18}$	0,035	0,0095
ТП+ПАГ	0,35	0,074	$97,50 \cdot 10^{-18}$	0,040	0,0087
ТП+ГКС+ПАГ	0,35	0,072	$97,30 \cdot 10^{-18}$	0,038	0,0088

5-жадвалдан кўришиб турибдики, “ички” гидрофобизатор бўлмиш полиалкилсилоксандан фойдаланиш, “ташки” гидрофобизатор вазифасини бажарувчи паст молекуляр полиалкиленгликолла (ПАГ) аралашмасининг таъсирига қаранганда анча самаралироқдир.

Ўтказилган тадқиқотлардан аниқланишича, таркибида нейтраллашган ва эркин ёғ кислоталари мавжуд бўлган, мойлаш қўшимчаларини, бурғилаш эритмасининг сувли фазаси ва ёғ кислоталарнинг мослигини, биргаликда ишлаш хоссасини оширувчи турли диспергаторлар билан модернизация қилиш жуда самаралидир.

Диссертациянинг “Полифункционал бурғилаш эритмаларини олиш учун маҳаллий гиллардан композицияларни ишлаб чиқиш” деб номланган тўртинчи боби, механик-кимёвий диспергатордан фойдаланиб гилли бурғилаш эритмаларини олиш учун экспериментал қурилмасини ишлаб чиқиш, полифункционал бурғилаш эритмаларини олишда маҳаллий гиллардан композицияларни яратиш ва ўрганиш ҳамда маҳаллий гиллар асосида олинган иссиқликка ва тузга чидамли бурғилаш эритмаларини ўрганишга бағишланган.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг Бухоро-Хива ва Устюрт ҳудудларида нефть ва газ қудуқларини бурғилаш асосан тузли қатламларда олиб борилади ва бу ерда бундай мақсадлар учун, СаОга бой бўлган, палигорскитли гиллардан (атапультит) фойдаланиб олинган эритмаларни ишлатиш мақсадга мувофиқдир.

Иссиқликка ва тузга чидамли бурғилаш эритмаларини яратиш, бири-бирини қисман тўлдирувчи, иккита асосий йўналиш бўйича амалга оширилади: иссиқликка ва тузга чидамли табиий минерал хом-ашё ва



иссиқликка ва тузга чидамли реагент-стабилизаторлар асосида юқори сифатли дисперс тизимларни яратиш.

Албатта, нисбатан истиқболли ва иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлган, биричи йўналишни ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга, иккинчи йўналиш бўйича ҳам ишлаш имконияти йўқ эмас, айниқса, гилли қатламлар алмашиб турадиган, гилли эритмалар фильтрациясини минимал қийматларгача пасайтириш талаб этиладиган, тузли қатламларни бурғиладда ишлатиладиган ювувчи суюқликлардан фойдаланиш зарур бўлган ҳолатларда изланишлар олиб борилса бўлади. Сўзсиз, буни иссиқликка чидамли минерал хом-ашё ва СФМни бирлаштириш усули ёрдамида амалга ошириш мумкин, яъни юқорида қайд этилган иккала йўналишни бирлаштириш орқали.

Маълумки, юқори сифатли монтмориллонитлардан (бентонитлар) фойдаланилганда ҳам, кимёвий реагентларсиз минераллашган муҳитларда самарали бурғиладда ишларини олиб бориш имконини бермайди, бу эса бурғиладда эритмаларига кетадиган сарф-ҳаражатлардан бир неча баробарга кўп бўлади ва кўпинча, гилли суспензиялар электролитлар билан коагуляцияланиши натижасида улардан фойдалана олмаслик даражасига олиб келади. Узлуксиз тузли қатламларни бурғиладда палигорскитли гиллардан фойдаланиш, баъзи ҳолатларда, қиммат турадиган кимёвий реагентларсиз кифояланиш мумкин, бу эса бурғиладда эритмасининг таннархини бир неча 10 баробарга камайтиради.

Кўп йиллик амалиёт шуни кўрсатадики, оддий гил минераллар, ҳатто кимёвий ишлов берилганда ҳам, гидротермал режимда электролитларга чидамли дисперс тизимларни шакллантира олмайди. Бу шароитда палигорскитли бурғиладда эритмаларидан фойдаланиш мураккаб қудуқларни бурғиладда давом этиш имконини беради. Бундай эритмалар паст фильтрацияга эгадир ва гилли қатламлар билан алмашинувчи, турли қатламларни бурғиладда учун мос келади.

Кўриниб турибдики, тузга чидамли гилли минераллар, турли электролитлар таъсири натижасида, дисперсияларида кечадиган деформацион жараёнларнинг ўтишига унча таъсир қилмайди. Бу ҳолат, СФМ кўшилган ва қўшилмаган вариантларда ҳам ўз исботини топган.

Ҳозирги кунда, фильтрацияси паст ҳамда қудуқ тубидаги юқори ҳарорат ва электролитларнинг таъсирига чидамли бўлган, палигорскитли бурғиладда эритмаларини олиш учун рецептуралар ишлаб чиқилган. Бу ҳолат, мураккаб бурғиладда шароитларида бурғиладда эритмаларини тайёрлаш учун минерал хом-ашёни тўғри танлаш зарурлигини яна бир бор исботлайди.

Навбахор кони карбонатли палигорскит идеал формулага эга -  $R_5 [Si_8 O_2] (OH)_2 \cdot (OH)_4 \cdot 4H_2O$ , сувли магний алюмосиликатни ўзи билан намоён қилади. Қават-гасмали тузилишига эга мазкур палигорскитнинг кристаллик структураси амфибола структурасига ўхшайди ва  $6,4 \pm 3,7 \text{ \AA}$  ўлчамга эга цеолитсимон каналларга эгадир. Уларда икки хил сув мавжуд: эркин жойлашган ва тетраэдрлар юзасининг электроманфий юзаси билан боғланган молекулалар, ҳамда каналларнинг ён деворлардаги октаэдрик катионлар

билан боғланган молекулалар. Бу молекулалар, цеолитлар суви молекулалари каби, нисбатан юқори бўлган ҳароратларда чиқариб юборилади.

Карбонатли палигорскитнинг зичлиги (намуна олинган жойга боғлиқ ҳолда)  $2,3 \div 2,5 \text{ г/см}^3$  атрофида бўлади.

Кўп қарра ўтказилган кимёвий таҳлил натижаларига кўра, карбонатли палигорскитдаги  $\text{SiO}_2 : \text{RO}$  нинг нисбати  $2,1 \div 2,5$  бўлиши аниқланди (бунда,  $\text{RO}$  – бу -  $\text{MgO}$ ,  $\text{FeO}$ ,  $\text{Al}_2\text{O}_3$ ,  $\text{Fe}_2\text{O}_3$  миқдори бўлиб,  $\text{MgO}$  миқдоридоги эквивалентда келтирилган). Навбаҳор кони карбонатли палигорскити учун умумий алмашинув сифими 100 гр намунага  $20 \div 30$  мг-эқв ни ташкил қилади.

6-жадвалда, Навбаҳор конидан олинган 3 турдаги гилларнинг дифференциал термик таҳлил (ДТТ) натижалари келтирилган.

6 жадвал

Навбаҳор кони бентонитлари ва палигорскитнинг ДТТ усули асосида олинган эндо-ва экзотермик эффектларнинг таҳлил натижалари

Термоэффект турлари	Ҳарорат, °С		
	НК бентонити		НК карбонатли палигорскит
	ишқорий	Ишқорий-ер	
Эндотермик:			
-биринчи максимум	150-180	160-190	-
-иккинчи максимум	550-600	600-620	-
-учинчи максимум	720-760	740-790	-
Экзотермик			
-биринчи максимум	-	-	140-170
-иккинчи максимум	-	-	500-580
- учинчи максимум	-	-	800-850

6-жадвалдан кўриниб турибдики, Навбаҳор кони бентонитлари (монтмориллонитлари) кузатилган эндотермик эффектларнинг ҳарорати бўйича фарқлар мавжуд бўлиб, бу уларнинг кристаллик структурасидаги фарқлардан далолат беради. Ишқорий бентонитда биринчи максимум  $150-180^\circ\text{C}$  кузатилди, яъни, гигроскопик сувларнинг асосий миқдори ажралаётганда; иккинчиси -  $550-600^\circ\text{C}$  да, ва бунда минералнинг кристал панжарасидан гидрооксид гуруҳлар ажралади; учинчиси -  $720-760^\circ\text{C}$ , ва бунда қолдик гидрооксид гуруҳлар ажралади ва монтмориллонит қайта кристалланади.

Юқорида кўриб чиқилган Навбаҳор кони бентонитлари ва палигорскитнинг параметрлари, бургилаш эритмаларини олишда коагуляцион-тиксотроп структураларни шаклланишида уларнинг ўзгаришини белгилаб беради.

Мураккаб геологик шароитларда, айниқса, тузли қатламларда, қудуқларни бургилашда гилли суспензиялар барқарорлигининг асосий кўрсаткичи бу қўлланиладиган гилнинг катионли алмашинуви ҳисобланади.

Буни инобатга олган ҳолда, биз стандарт усуллар ёрдамида Навбаҳор конидан олинган барча гилларнинг мазкур кўрсаткичини ўрганиб чиқдик (7 жадвал).

7-жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, катионли алмашинувнинг энг кичик кўрсаткичи Навбаҳор кони карбонатли палигорскитига тегишли (100 гр гилга 27,8 мг-экв), ва бу унинг асосида олинадиган бурғилаш эритмаларининг тузга чидамлилиқ даражасига мос келади. Карбонатли палигорскит алмашинув комплексининг турли ионларга ўзгариши унинг гидрофиллигига қатга таъсир кўрсатмайди.


7 жадвал

Навбаҳор кони гилларининг катионли алмашинуви кўрсаткичлари


Гил турлари	Алмашинув комплекси, 100 гр гилга мг-экв			
	Ca <sup>2+</sup>	Mg <sup>2+</sup>	Na <sup>+</sup>	Йиғинди
Ишқорий бентонит	1,1	7,9	56,4	65,4
Ишқорий-ер бентонит	48,7	6,1	0,9	55,7
Карбонатли палигорскит	12,4	14,0	1,4	27,8
Гидрослюдали гил ШК	32,5	6,3	0,8	39,6

Биз, карбонатли палигорскит ва гидрослюдали гиллар асосида турли сифатдаги бурғилаш эритмаларини олдик.

2 ва 3 расмлардан кўриниб турибдики, ишқорий бентонит ва ишқори-ер бентонит билан карбонатли палигорскит асосида тузилган композициялардан фаркли ўларок, карбонатли палигорскит ва гидрослюдали гил аралашмаси тузга чидамлилиги юқори бўлган бурғилаш эритмаларини олиш мумкин. Буниги сабаби шундаки, карбонатли палигорскитнинг игнасимон кристаллари ва гидрослюдали гилнинг юқори дисперсли пластинкалари, хос бўлган индивидуал гиллар билан солиштирилганда, полиминерал композицияларида мустақкам контакларни нисбатан кўпроқ шакллантирадилар.



2 расм. Бурғилаш эритмаси композициясида карбонатли палигорскит ва гидрослюдали гилнинг миқдорига боғлиқ равишда катионли алмашинуви йиғиндис (-O-) ва тузга чидамлик коэффицентни қийматларининг ўзгариши.



3 расм. Бурғилаш эритмаси композициясида карбонатли палигорскит ва гидрослюдали гилнинг миқдорига боғлиқ равишда  $\epsilon'0/C_{m10}$  (-Δ-) ва боғланшининг солиштирма энергияси қийматларининг ўзгариши.

Шу билан бирга, карбонатли палигорскит кристаллари ва гидрослюдали гилнинг агрегат-пакетлари ўртасида, яъни биринчиси иккинчисининг

таркибига киришида, Ван-дер-Ваальс ўзаро таъсирлашиш кучидан анча юқори бўлган бирикмали-кўшимчалар шаклланади. Шундай қилиб, бургилаш эритмаларини олишда маҳаллий гилларнинг полиминерал композициялардан фойдаланиш натижалари, тузга чидамлилиқ хоссаси оширилиши билан уларнинг самарадорлиги ҳам ошганлигини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, гилли эритмаларни барқарорлаштириш учун зарур бўлган сирт-фаол моддалар ва бошқа кимёвий реагентларнинг сарфи ҳам камаяди.

Диссертациянинг “Турли мақсадлар учун мўлжалланган бургилаш эритмаларини олишда ишлатилган гилли адсорбентларни ўрганиш” деб номланган бешинчи боби, бургилаш эритмаларини олишда мойланган гилли адсорбентлар ҳамда мойланган адсорбентлардан фойдаланиб олинган бургилаш эритмаларининг коллоид-кимёвий кўрсаткичларини ўрганиш, мойланган гилли адсорбентлардан фойдаланиб полифункционал бургилаш эритмаларини олишнинг оптимал технологик режимларини танилашга бағишланган.

Республикамиз ёғ-мой корхоналарида ўсимлик мойлари ва саломасни оқлашда катта миқдорда гилли адсорбентлардан фойдаланишади. Улар ишлатилгандан сўнг, чиқинди сифатида шаҳар чиқиндихоналарига олиб бориб ташланади ва бу экологик талаблар бўйича нораціонал ҳисобланади. Буни инобатга олган ҳолда, биз улардан гилли бургилаш эритмалари таркибига қўшиб фойдаланишни ўргандик, чунки уларнинг таркибида 55% гача ўсимлик мойлари мавжуддир.

8-жадвалда мазкур ишлатилган мойланган гиллар таркибидаги фосфатидлар ва совунланмайдиган моддаларнинг миқдори келтирилган.

8 жадвал

Ишлатилган мойланган гиллар таркибидаги фосфатидлар, совунланмайдиган моддалар ва совуннинг миқдорий кўрсаткичлари

Ишлатилган мойли гиллардан олинган экстрактлар:	Миқдори, %		Совун
	Лецитинга ҳисобланган фосфатидлар	Совунланмайдиган моддалар	
Тамды – Тау бентонитидан	0,02 / 0,79	2,0	Мавжуд
Навбаҳор ишқорий Бентонитидан	0,02 / 0,81	2,3	Мавжуд
Тульсоҳ палигорскитидан	0,01 / 0,73	2,1	Мавжуд
Навбаҳор карбонатли Палигорскитидан	0,02 / 0,84	2,2	Мавжуд

8-жадвалдан кўриниб турибдики, танлаб олинган мойланган гиллар ўз таркибида фосфатидлар, совунланмайдиган моддалар ва совунларни сақлайди, ва улар гилли эритмалар бўкишини ҳимояловчи гидрофобли моддалар ҳисобланади. Бундан ташқари, улар СФМлар ҳамдир ва бу гилли суспензияларни олишда жуда муҳимдир.

9-жадвалда, маҳаллий бентонит ва ишлатилган ёғли гил ҳамда маҳаллий ва ишлатилган мойланган гилдан ташкил топган, икки компонентли маҳаллий гиллар аралашмасидан олинган гилли эритмаларнинг кўрсаткичлари келтирилган.

9-жадвалдан кўриниб турибдики, бентонит ва палигорскитнинг 50/50 нисбатида гилли эритманинг кўрсаткичлари уларнинг ўртача қийматларига тенгдир. Бентонит ва палигорскит таркибига ишлатилган мойланган гилнинг киритилиши уларнинг коллоид-кимёвий хоссаларини яхшилашга ёрдам беради ва бу муайян мақсадлар учун мўлжалланган бурғилаш эритмаларини олишда, ишлатишга ундан фойдаланишга тавсия қилишга асос бўла олади.

9 жадвал

**Гилли бурғилаш эритмаларининг кўрсаткичлари**

Гил аралашмаси, %		Зичлик, ρ, г/см <sup>3</sup>	Қовушқоқлик, Т, с	Сувбера- олишлик, В, см <sup>3</sup> /30мин	Қобик қалинлиги, К, мм
Навбахор кони ишқорий Бентонити	Навбахор кони карбонатли палигорскити				
<b>Икки компонентли маҳаллий гиллар аралашмаси</b>					
100	-	1,23	30	33	3
75	25	1,20	29	31	3
50	50	1,18	28	30	2
25	75	1,14	26	27	2
-	100	1,10	24	25	1
<b>Маҳаллий бентонит ва ишлатилган мойланган гил аралашмаси</b>					
Навбахор кони ишқорий бентонити	Ишлатилган мойланган гиллар	Зичлик, ρ, г/см <sup>3</sup>	Қовушқоқлик, Т, с	Сувбера- олишлик, В, см <sup>3</sup> /30мин	Қобик қалинлиги, К, мм
75	25*	1,12	28	25	2
50	50*	1,16	25	21	1
25	75*	1,12	23	18	1
<b>Маҳаллий палигорскит ва ишлатилган мойланган гил аралашмаси</b>					
Навбахор кони карбонатли палигорскит	Ишлатилган мойланган гиллар	Зичлик, ρ, г/см <sup>3</sup>	Қовушқоқлик, Т, с	Сувбера- олишлик, В, см <sup>3</sup> /30мин	Қобик қалинлиги, К, мм
75	25*	1,11	22	22	2
50	50*	1,08	20	19	1
25	75*	1,04	17	16	1

*Изоҳ: \* мойланган гиллар*

Шу билан бирга, эритманинг таркибида ишлатилган мойланган гилнинг мавжудлиги, уларни яхшилаб ўрганишда фойдаланиладиган кимёвий реагентларга бўладиган сарфларни камайтириш имконини беради.

Шундай қилиб, бурғилаш гилли эритмаларни олиш учун маҳаллий бентонитлар, палигорскитлар ва ишлатилган мойланган гиллардан бундай самарали композицияларни яратиш орқали уларнинг сифатини ошириш ҳамда уларни ишлаб чиқариш таннархини нисбатан тушуриш мумкин.

Маҳаллий ва ишлатилган мойланган гиллардан бурғилаш эритмаларини олиш жараёнининг энг яхши технологик режимини танлашда биз, N-2<sup>3</sup> режаси бўйича, тажрибани тўлиқ омилли эксперимент бўйича ўтказиладиган экспериментал режалаштириш усулидан фойдаландик.

Бунда, ўрганилаётган жараённинг ўзгарувчан омиллари сифатида қуйидагилар танлаб олинди:  $X_1$ -Навбахор кони карбонатли палигорскитининг миқдори,%;  $X_2$  – ишлатилган ёғли гилнинг миқдори, %;  $X_3$  – жараённинг ҳарорати, °C ва  $X_4$  – гил эритманинг диспергирлаш вақти, соат. Ўрганилаётган жараёни оптималлаштириш омилли сифатида олиннадиган гилли эритманинг комплексли сифат кўрсаткичи ( $D$ ) танлаб олинди, ва у, Харрингтон мақбуллик функцияси асосида қайта ҳисобланди.

Ҳ тенглама коэффициентлари таҳлили кўрсатдики, барча коэффициентлар аҳамиятли эмас. Аҳамияти паст коэффициентлар саралаб чиқариб ташлангандан сўнг, кейинги ҳисоб-китоблар учун,  $Y$  регрессиясининг қуйидаги тенграмаси танлаб олинди:

$$Y = 0,8368 + 0,0333 X_1 + 0,0392 X_2 - 0,0025 X_4 - 0,0158 X_1 X_2 - 0,0076 X_1 X_3 - 0,0086 X_2 X_3 \dots \quad (2)$$

Шундай қилиб, тажрибани экспериментал режалаштириш усулидан фойдаланиб, биз томонидан мойланган ёғли адсорбентлардан фойдаланган ҳолда бурғилаш эритмаларини олишнинг қуйидаги оптимал шaroитлари аниқланди:  $X_1=50\%$ ,  $X_2=50\%$ ,  $X_3=40^\circ\text{C}$  ва  $X_4=1,0$  соат.


